

1-10-2020

PRACTICAL KNOWLEDGE OF THE STONE NAMES IN LINGUISTICS

Ezoza Bazarova

Student of Termez State University

Zaynura Kadirova

Research advisor, Lecturer at Termez State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Bazarova, Ezoza and Kadirova, Zaynura (2020) "PRACTICAL KNOWLEDGE OF THE STONE NAMES IN LINGUISTICS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 1 , Article 28.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss1/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

PRACTICAL KNOWLEDGE OF THE STONE NAMES IN LINGUISTICS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 1 сон

**ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ТОШ НОМЛАРИНИ ТАДҚИҚИНИНГ АМАЛИЙ
АҲАМИЯТИ**

Бозорова Еъзога

Термиз давлат университети талабаси

Кадинова Зайнура

Илмий раҳбар, Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада ономастиканинг бўлимлари, тошларни номлашга асос бўлувчи омиллар ва тилшуносликда тош номларини ўрганишнинг амалий аҳамияти ҳақида фикр юритилади

Калит сўз: ономастика, фитоним, гидроним, литоним, антропоним, қимматбаҳо тошлар, демоним, хроматоним, космоним, ойконим

**ПРАКТИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ИМЕН КАМНЕЙ В
ЛИНГВИСТИКЕ**

Базарова Эзога

Студентка Термезского государственного университета

Кадырова Зайнура

Научный руководитель, преподаватель Термезского государственного университета

Аннотация: в статье рассматриваются разделы ономастики, причины именования камней и практическая значимость изучения названий камней в лингвистике.

Ключевые слова: ономастика, фитоним, гидроним, литоним, антропоним, драгоценные камни, демоним, хроматоним, космоним, ойконим

PRACTICAL KNOWLEDGE OF THE STONE NAMES IN LINGUISTICS

Bazarova Ezoza

Student of Termez State University

Kadirova Zaynura

Research advisor,

Lecturer at Termez State University

Abstract: The article discusses the sections of onomastics, the reasons for naming stones, and the practical importance of learning stone names in linguistics

Keywords: onomastics, phytonim, hydronim, lithonim, anthroponim, precious stones, demonim, chromatonim, space, kosmonim, oykonim

Бизни ўраб турган олам ҳақидаги тасаввурлар, энг аввало, номлар орқали пайдо бўлишини ҳособга олсак, ономастик бирликлар етакчи ўринни эгаллайди. Ономастика юн.ономастике – “номлаш, ном қўйиш санъати”- тилшуносликнинг ҳар қандай атоқли номларини, уларнинг пайдо бўлиш ва ўзгариш тарихини ўрганувчи бўлими, шунингдек, барча атоқли номлар йиғиндисидир[1]. Ономастика атоқли отларни ўрганадиган фан[2.10]. Ономастика жой, шахс, ўсимлик, табиат

ходисалари, ҳайвон кабиларга атаб қўйилган номларни тадқиқ этадиган лексикологиянинг бир тармоғи ҳисобланади.

Ономастик тадқиқотлар анча ривожланган республикалардан бири Озарбайжондир. Боку педагогика институтида кўп йиллардан бери “Ономастика маркази” фаолият юритиб келади. Ушбу марказ ташаббуси билан “Озарбайжон ономастикаси муаммолари” мавзусида бир неча илмий конференциялар ташкил қилинган[3.10].

Рус тилшунослигида А.В. Суперанская[4] ономастик бирликларни қамраб олган ва ўрганилиш объектига кўра фарқланадиган тармоқларга бўлади ва уларни қуйидагича изоҳлайди:

- антропонимлар (шахс номи);
- зоонимлар (ҳайвон номи);
- топонимлар (географик жой номи);
- хронимлар (тарихий вақт ва даврлар номлари);
- хрематонимлар(курол-аслаҳа номлари);
- демонимлар(парилар номи);
- фиктонимлар(рассом, ижодкорлар томонидан яратилган санъат асари номи).

Ономастика бўйича ўзбек тилшунослигида ҳам тадқиқотлар амалга оширилган. Яъни, антропонимлар[5], топонимлар[6], этнонимлар[7], ономастик терминлар изоҳли луғати[8.75], бундан ташқари фитонимлар (ўсимлик номлари), космонимлар (осмон жисмларини ўрганувчи), гидронимлар (денгиз ва дарё номлари), зоонимлар (ҳайвон номлари), ойконимлар (шаҳар ва қишлоқ номлари) луғати яратилган.

Дунё тилшунослиги тадқиқотларини ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўладики, ўзига хос қимматга эга бўлган ва қимматга эга бўлмаган тош номлари тадқиқ қилинмаган.

Атоқли номларнинг лисоний хусусиятларига қараб ономастика назарий ва амалий турларга бўлинади. Назарий ономастика тил ва нутқдаги, адабий ва диалектал соҳалардаги атоқли номларнинг пайдо бўлиши, номинация (номлаш) асослари, ривожланиши, шу жараёндаги турли хил ўзгаришлари, нутқда қўлланиши, муайян ҳудуд ва тилларда тарқалиши ҳамда таркибий тузилишини ўрганади. Бадиий матнлардаги атоқли номларни (поэтик ономастика) тадқиқ этиш алоҳида муаммо ҳисобланади. Ономастика, шунингдек, тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, структур, генетик, ареал, ономастик хариталаштириш ва бошқа усулларини қўллаган ҳолда, атоқли номларнинг фонетик, морфологик, сўз ясаиши, семантик, этимологик ва бошқа жиҳатларини ўрганади.

Амалий ономастика хорижий тилларга мансуб номларнинг транскрипцияси ва транслитерацияси, анъанавий (талаффуз ва ёзилишига кўра), таржима қилинадиган ва қилинмайдиган номларни аниқлаш, "бегона" номларни ўз тилда қандай ёзиш бўйича йўриқномалар тайёрлаш, хорижий тиллардан ўзлашган номлардан янги сўзлар ҳосил қилиш, ном бериш ва номларни ўзгартириш масалалари билан шуғулланади[1].

Тош дунёси чексиз, ғаройиб қизиқарли, асосан таснифланган ва ҳатто мистикдир. Табиатда бир юз эллиқдан ортиқ қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар мавжуд[9].

Ўз даврида бало-қазодан асровчи, омад ва бойлик келтирувчи, касалликларни олдини олувчи ва даволовчи хусусиятга эга тошлар аҳоли ўртасида кенг истеъмолда қўлланилган ва бу тошларларнинг ҳар бири ўз аталиш этимологиясига эга бўлган. Айрим тош номларига келиб чиқишига кўра ном қўйилган. Биз эътиборга олмайдиган, фарқламайдиган ва кундалик ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тош номларини ўрганишга бугунги кун ўзбек тилшунослигида эҳтиёж сезилмоқда. Тош номлари асосида шакланган бадий кўчимлар, антропонимистикада литосонимларнинг ўрни каби масалалар ҳали ҳануз очиқ қолмоқда. Бу каби тадқиқотлар ўзбек лексик фондининг янада бойишида ҳам амалий аҳамият касб этади.

Қадимда қимматбаҳо тошларни фақат рангига қараб ажратишган. Қизғиш рангли барча тошларни “ёқут”, яшил тошлар “зумрад”, кўклари эса “гавҳар” дейилган. Кейинчалик тошларни нафақат ранги балки софлиги, ноёблиги, мустаҳкам ва пишиқлиги ҳам ҳисобга олинди. Ўзидан нур сочадиган барча чакмоқ тошлар “жавохирот[10]” номи билан аталган. Аслида, уларнинг фақат тўрттасини: олмос, ёқут, зумрад ва гавҳаларни жавҳар дейиш мумкин. Жавохирлар қимматбаҳо безак буюмлари тайёрлаш учун ишлатиладиган ўзига хос хусусиятли минераллар.

Рус тилшунослигида М.Н. Николашвили[11] томонидан рус тилида қимматбаҳо тошларнинг номланиши ва типлари ҳақида маълумот берувчи илмий тадқиқот иши амалга оширилган бўлиб, унда ҳам ономастиканинг тош номларини ўрганувчи бўлимига алоҳида ном берилмайди. Фақат қимматбаҳо тошлар атамаси остида фикр-мулоҳаза юритилади. Тошларнинг номлари турли хил манбаларга эга ва ҳеч қандай аниқ қоидаларсиз ҳосил бўлади. Бироқ, кашф этилган минераллар сони кўпайиши билан улар учун янги номлар талаб қилинар эди ва юнонлар бу номлар учун “ЛИТОС” (тош) сўзини ушбу тошни тавсифловчи баъзи белгилар билан биргаликда ишлатишни одат тусига киритдилар[12].

Тилшунослиқда ономастиканинг тош номларини ўрганувчи тармоғини литосоним(юнонча “литос”- тош, “онома”- ном)лар атамаси билан номлаш мақсадга мувофиқдир. Тош номларини, яъни литосонимларни туркий қўлёзма манбалар мисолида тадқиқ қилиш ҳам тилшунослиқда амалга оширилган арзирли янгилик бўлади.

Тошларнинг номларини шаклантиришда турли хил жиҳатлар асос вазифасини ўтаган. Яъни, тошнинг жойлашган географик ўрни, кашфиётчиси, машҳур шахслар шарафига қўйилиш, тош ранги, шаклий жиҳати, доривор хусусияти, тош таркиби моддалари.

Масалан, колумбит - жой номи асосида (Колумбия), александрит – шахс номига нисбатан (Александр II), кавансит - таркибига кўра (калсий, ваннадий, кремний), гранат - шаклига нисбатан (анор донаси шаклида бўлиб, рус тилидаги номланиши), рубин – ранги нуқтайи назаридан (лотинча “rubinus ”- қизил[13]) номлаган.

Тош ва у билан боғлиқ бўлган маросим, урф-одат ва анъаналар халқ орасида азалдан мавжуд бўлган. Ибтидоий даврда фетишизм динининг асосини бут, санам ва туморларга сиғиниш ташкил этган. Бу жонсиз буюмлар асосан тошдан ясалган ва айнан тошларнинг ўзи ҳам сиғиниш манбайи ҳисобланган. Бундан кўриниб турибдики, тош турлари ва тош билан боғлиқ кўплаб тасаввурлар бутун дунёда мавжуд бўлиб, бу қарашлар диний нуқтайи назардан ҳам фарқланади. Масалан, мусулмон оламида учун ўз тарихига эга энг муқаддас тош Маккадаги Ҳажрасул-Асвад(қора тош) тоши диний мўжиза сифатида эътилади. Христианлар эътиқодида эса "Тирик тошлар" тушунчаси мавжуд бўлиб, бу тошлар инсонни ва моддий дунёни ўзгартира олиши мумкинлиги ғоясини ўз ичига олади[14].

Тош ва у билан боғлиқ бўлган лингвистик ҳодисалар нафақат ўзбек тилшунослигида, балки, дунё тилшунослигида ҳам етарлича тадқиқ этилмаган. Қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тош номларининг тематик гуруҳи энг қизиқарли, шу билан бирга очилмаган хазина ҳисобланади. Бу мавзунинг тадқиқи ўзбек тилшунослигининг лексикаси ривожига ўз хиссасини қўшади ва ономастиканинг янада янги қирралари очилиши учун замин яратади.

References:

1. <https://uz.wikipedia.org>
2. Yo'ldoshev I va bosh. Tilshunoslik asoslari.- Toshkent, 2007.
3. Avlakulov YA.I.O'zbek tili onomastik birliklarining lingvistik tadqiqi -Toshkent 2012.
4. Superanskaya A.V . Obshaya teoriya imeni sobstvennogo. – M.: Nauka,1973.
5. Begmatov E. O'zbek ismlari. – Toshkent: Qomuslar bosh tahririyati, 1991. -208 bet.
6. Oxunov N. Joy nomlari ta'biri. - Toshkent, O'zbekiston, 1994. -86 bet.
7. Begaliev N. O'zbek etnonimlari tarixidan. – Samarqand: SamDCHTI nashri, 2004. - 92 bet.
8. Begmatov E., Uluqov N. O'zbek onomastikasi terminlarining izohli lug'ati. – Namangan, 2006, 75-bet.
9. Bank G. V mire samotsvetov. – M.: Mir. – 1978. – 300 s
10. <https://uz.wiktionary.org>
11. Nikolashvili M.N. Nominatsiya dragotsennix kamney v russkom yazike: etimologiya, funkcionirovanie, tipologiya. – M.: Nauka, 2012.
12. Smit G. Dragotsennie kamni/per. s angl. A. A. Arsanova, B. A. Borisova/ Pod red. V. P. Petrova. – M.: Mir. – 1980. – s 101. 586 s.
13. Metelkina O. A., Rodionova S.E. Dragotsennie kamni i metalli v sovremennom russkom yazike.Mejdunarodnaya konfirensiya. Moskva, may 2012 g. 74- s
14. Fedorov YU. A. "Istoriya i simvolika pravoslavnix nagrudnix Krestov". Sankt-Peterburg 2000 g

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1	Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенглама учун нолакал шартли масалалар Тиллабаева Г.И.....	3
2	О разрешимости одной краевой задачи для уравнения третьего порядка с кратными характеристиками в прямоугольной области Апаков Ю. П, Умаров Р.А.....	6
3	Dssc (dye sensitized solar cell) қуёш элементлари ва уларнинг айрим физик хоссалари Абдукаримов А.А.....	17
4	The probability of inheritance of non-linked genes in the 5th generations Ibragimov.R.....	22
5	Влияние рекомбинационных процессов на механизм токопрохождения $psi-n_{si1-x}sn_x$ - переходах Мадаминов Х.М.....	31
6	Turlı tartıbda buzılıshga ega bo'lgan aralash tipdagi tenglama uchun bir chegaraviy masala haqida Maxsudova Sh, Hakimov O'.....	36
7	Исследование влияния характера термообработки на время жизни носителей заряда в кремнии, легированном медом Мирзарайимов Ж.З	40
8	Непараметрическое интервальное оценивание многомерной плотности вероятности и её производных Рахимова Г.Г	46
9	Uchinchi tartibli keli daraxtida tashqi maydonli bir model uchun ba'zi asosiy holatlar Rahmatullayev M.M	52
10	Фотоэлектрические свойства n - $gaas - p$ - $(gaas)_{1-x}(ge_2)_x$ гетероструктур с нанокристаллами германия Бобоев Акрамжон Йулдашбоевич, Усмонов Жохонгир Нишонбоевич, Махмудов Х.А, Уринбоев М.И, Тожимухаммадов А.К.....	58
11	Ўзбекистонда информатика фанини ўқитишнинг қисқа тарихи Отаханов Н.А.....	64

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

12	Oddiy o'g'itlarning sifat ko'rsatkichlari uchun ba'zi texnologik kattaliklarni o'rganish Giyasidinov A.L, Sultonov B.E, Namazov Sh.S, Xamraqulov Z.A.....	69
13	Синтез из пчелиного подмора - <i>apiss mellifera</i> хитина и хитозана для использования в медицине Нурутдинова Ф.М	79
14	Ўсимликлардан ажратиб олинган таннинларнинг биологик фаолликлари Рахимов Р.Н, Кадирова Ш.О, Долиев Ғ.А, Гайибов У.Г, Абдуллажанов О А, Абдулладжанова Н.Г.....	85
БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ		
03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ		
BIOLOGICAL SCIENCES		
15	Фарғона вилояти балиқчилик хўжалиги ҳовузлари зоопланктони Абдиназаров Х.Х, Мадумаров М.Ж, Хайдаров С.М, Боқиева М.И, Иброҳимова Д.Ф...	93
16	Гельминты амфибий узбекистана Икромов Э.Ф, Икромов Э.Э	98
17	Современные глобальные экологические проблемы Умаров К.М, Ахмаджонов А.У	108
18	Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг миграцион жараёни Тўраева З.Р, Тўраева Ф.Р	113
19	Фарғона водийси сув ҳавзаларида учрайдиган доғли ялангбалиқ (<i>triplophysa strauchii</i>) нинг морфологик хусусиятлари Шералиев Б, Қаяюмова Ё, Комилова Д.....	120
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ		
05.00.00 ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ		
TECHNICAL SCIENCES		
20	Исследование реальной эффективности индикатора 10_mt_20gy dui kit Жураев НМ, Искандаров У.У, Абдужабборов И.И.....	132
21	Ўзбекистон Республикасида телетиббиёт тизимини ривожлантиришда телекоммуникация тизимларига талаблар Тургунов Б.А, Жўраев Н.М, Орифжонова Д.В.....	138
22	Аграр секторда дронлардан фойдаланишни ташкил этишнинг истиқболлари Абдуллаев Б, Азимжонов У.А.....	145
ФАЛСАҒА ФАНЛАРИ		
09.00.00 ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ		
PHILOSOPHICAL SCIENCES		
23	Ахборотнинг ма'naviy tahdidga aylanishi Lutfullayev A.A.....	152
24	Минтақавий ҳамкорлик: халқаро муносабатлардаги аҳамияти ва глобал тараққиётдаги зарурияти. Абдуллаев. Ш	156
25	Проблема личности: сущность, структура и особенности формирования Мажитов М.....	162
26	Фарғона водийсида рекреацион туризмни ривожлантириш масалалари	169

Тожибоев

У.У.....

27	Хитой фалсафий тафаккурида инсон табиати ҳақидаги фикрлар ва унинг Ван Ян Мин ғояларидаги талқини Хошимов С.С.....	173
----	---	-----

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

28	Ўзбек тилшунослигида тош номларини тадқиқининг амалий аҳамияти Бозорова Е, Кадирова З	178
29	“Бобурнома” да оила ва хотин-қизлар мавзусининг ёритилиши Қосимова Г Н.....	182
30	Ingliz uzbek va rus tillaridagi o'timli va o'timsiz fe'llar Najmiddinov J, Bahodirov A.....	187
31	Barriers to the use of computer-based language teaching by english teachers. Azamov S.....	193
32	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	199
33	Алломорфирование модификационных суффиксов с деминутивным значением Зинин Е.О.....	204
34	Жеймс Жойсинг “Улисс” асарининг лексик тадқиқининг айрим муаммолари. Bahriddinov M.M, Turg'unov D.B, Tojiboyev I.M.....	208
35	Интенсификация/деинтенсификациянинг синоним ва вариант парадигмаларни шакллантириши Зияев А.И.....	213
36	Нерегламентированная пунктуация в романе е. замятина «мы» Гайбуллаева З.Т.....	220
37	Психолингвистиканинг вужудга келиш тарихи Фазлиева А.Ж.....	226
38	Синтактик позиция ва гапни бўлакларга ажратиш тамойиллари Усмонова Ҳ.....	234
39	Ғафур Ғулум насрида бадий-тасвирий воситаларни қўлланиши Ҳамидова М.О.....	238
40	The mythology and fantasy in the work of j.r.r. tolkien “the lord of the rings” Shergoziyev Sh.....	243
41	Ўзбек тилшунослигида синонимиянинг анъанавий ва замонавий талқини Раҳмонов Ғ.Р.....	249
42	Тил ижтимоий функциялари кенгайтишининг сўз услубий қўлланишига таъсири Қўшоқова Б.Й.....	255

13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES**

43	Chet tillarni o`rgatishda muammoli ta`lim texnologiyasi Imomov I.A.....	263
44	Teaching process writing effectively in efl classess. Musayeva G.....	267
45	Boshlang`ich sinf o`quvchilarida mantiqiy fikrlashni yuzaga keltirish yo`llari Satarov B, So`fiboyeva G	273
46	Boshlang`ich sinf o`quvchilarini qunt bilan dars tayyorlashga yo`naltirish Nuraliyeva K.I.....	278
47	Чет тилларни ўқитишда ўзаро ҳамкорлик технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари Абдуллаева М.Н.....	284
48	Инновация-ҳозирги замонавий таълим муассасаси ўқитувчисининг педагогик тафаккурини ривожлантириш воситаси сифатида Абдурасулов Ф.П.....	291
49	Таълим тизимида касбий компетентлик тушунчасининг таҳлили Абдурахимов.Қ.....	296
50	Алишер Навоий шахсини ўрганишда тарихий, илмий, бадиий асарлардан фойдаланиш Абдуллаев К.....	304
51	Талабаларда саломатлик маданиятини шакллантиришнинг айрим педагогик жиҳатлари Джураев Э.М, Акзамов С.Д.....	308
52	Жисмоний маданият ўқитувчиси касбий тайёргарлиги жараёнининг айрим замонавий педагогик хусусиятлари Исломов И.А, Парпиев О.А.....	313
53	Boshlang`ich ta`limga integratsiyalashgan texnologiyadan foydalanish yo`llari Abdullayeva N.M.....	317
54	Маҳқум шахсни ижтимоий меҳнат билан тарбиялаш давр талаби: ижтимоий тажриба Тураханова Д.А.....	324
55	Boshlang`ich ta`lim o`qituvchisi kasbiy kompetentligining asosiy tarkibiykomponentlari Ne`matova S.I.....	330
56	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситасида такомиллаштириш Хакимов Ж.О.....	336
57	Компетенциявий ёндашув - мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал ривожлантириш омили сифатида Далибаева Ш.Т.....	343
58	Таълим самарадорлигини оширишда инновацион таълим технологияларини қўллаш замон талаби сифатида Пўлатова Н.М.....	348
59	Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва шеърятини интерфаол усуллар орқали ўрганиш Сайдахмедова Н.С.....	353

60	Методические основы формирования умений и навыков при обучении профессиональному английскому языку Исроилова Д.М.....	358
61	Новые инновационные технологии в преподавании иностранного языка. Нишанова, Т. Икромова М.....	364
62	Спортнинг ёшлар маънавий камолотидаги ижтимоий-педагогик функцияси Тўхтаназаров И.У,Махмутаев А.М.....	367
63	О профессионально–прикладной физической подготовке студентов Усманов Б.Х.....	373
64	Талаба-ёшлар этник ўзлигини англашида ота-оналар педагогик саводходлигининг аҳамияти Хайдарова Х.Р.....	379
65	Оилада ахлоқий-маънавий тарбияда шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари Мирзаева Фароҳат Одилжоновна.....	383
66	Жамоавий муносабатларда мактабгача тарбия ёшидаги болаларда шахс сифатларини шакллантириш аспекти Ярманова Ю.Б.....	389
67	O'rta maxsus ta'lim va oliy ta'limda matematika fanlarini uzviylikining ta'minlanganlik darajasi Ustadjalilova X.....	394
68	Бўлажак мактабгача таълим муассасалари педагог-тарбиячиларини тайёрлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари Хушназарова М.Н.....	399
69	Kimyo ta'limida modulli tizim va elektron darslik yaratish metodikasini takomillashtirishning amaliy samaradorligi Ixtiyarova G.A Ahadov M.Sh.....	405
70	Компьютер ўйинлари ёрдамида таълим олувчиларнинг математик саводхонлик даражасини аниқлаш Нажмиддинова Х.....	413
	СИЁСИЙ ФАНЛАРИ ПОЛИТИЧЕСКИЕ НАУКИ POLITICAL SCIENCES	
71	Амир Темур сиёсатида “кенгаш” институтининг роли Алимардонов Т.Т.....	421